

ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ахмедов Абдусалом Саитмуродович

ИИВ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси ЎМК бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568458>

Аннотация: Мақолада одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар ва мазкур тадбирларнинг самарадорлиги масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўз: одам савдоси, пробацация, трансмиллий уюшган жиноятчилик, халқаро миграция, жинсий эксплуатация, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

Бугунги кунда долзарб глобал муаммолардан бири бўлган одам савдоси жинояти жамиятга ўзининг хавфлилик, жаҳон ҳамжамиятининг ривожланишига таҳдид солаётган жиноят сифатида қараб келинади. Мазкур жиноят хавфлилик даражаси бўйича трансмиллий жиноятлар ноқонуний қурол-яроғ совдоси, гиёҳвандлик, терроризм, наркотрафик жиноятлари қаторига қўйилаётгалиги бежиз эмаслигини кўришимиз мумкин. Одам савдоси трансчегаравий, комплекс характерга эга, уюшган гуруҳлар томонидан содир этилаётган жуда кенг тарқалган жиноят бўлиб, унда инсон “товар”га айлантирилади. Амалда эса бу “замонавий қуллик” дир.

Дунё миқёсида ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд киши одам савдоси қурбони бўлади. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан зиёди болалардир.¹

Одам савдоси иллоти жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммолардан биридир. Меҳнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабих ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан курашишда нафақат давлат ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб китобларига кўра бутун дунёда 21 миллион киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш соҳасида қўйдаги халқаро ҳужжатларга қўшилганлигини санаб ўтишимиз мумкин БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21 мартда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2003 йил 12 декабрда қўшилган.

2003 йилда Ўзбекистон юқорида қайд этилган БМТнинг 1949 йилги Конвенциясига қўшилди, 2008 йилда эса БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик

¹ <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34452>

тўғрисидаги Баённомани тасдиқлаб, аҳолини огоҳлантириш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали одам савдосининг олдини олиш ва баратаф қилиш мажбуриятини олди);

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома (2001 йил 28 июнда Ўзбекистон ратификация қилган).

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 20 майдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таалуқли Факультатив протокол” (Ўзбекистон Республикаси 11.12.2008 йил. №ЎРҚ-188-сонли Қонуни билан қўшилган)

ХМТ томонидан 1957 йил 25 июндаги қабул қилган “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги” 105-конвенцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 30.08.1997 йил. №498-I-сонли Қарори билан ратификация қилган)

ХМТ томонидан 1999 йил 17 июндаги қабул қилган “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги” 182-конвенцияси. (Ўзбекистон Республикаси 08.04.2008 йил. №ЎРҚ-144-сонли Қонуни билан ратификация қилган)

Одам савдосига қарши кураш бўйича миллий қонунчилигимиздаги қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин².

Ҳалқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар одамларни нафақат жинсий ёки меҳнат эксплуатацияси учун, балки уларнинг ички органларини трансплантация қилиш, наркотик моддаларни тарқатиш, бошқа турдаги жиноятлар содир этиш учун ҳам ёллаб мажбурламоқдалар.

“Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра “Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқача мажбурлаш шаклларидан фойдалан иш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғлириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки уларни шахвоний фойдаланишинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Алоҳида таъкидланиши лозим бўлган ҳолат шундан иборатки, шахвоний ва бошқа ғараз мақсадларда ёлланган аёлларнинг асосий қисми “истеъмолчи” давлатлар – Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва Туркия мамлакатларига

² <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34452>

юборилган. Фуқароларимиз чет давлатларга “транзит” мамлакатлар Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Украина, Арманистон, Озарбайжон Республикалари орқали олиб чиқилган. Расмий статистик маълумотларга кўра одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 85-90 фоизи Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаларида текин ишчи кучи сифатида фойдаланиб эксплуатация қилинган.

Жинсий эксплуатация жараёнида жабрланувчилардан кўчада, фоҳишалик уйларида, стриптиз клубларда, ресторан ва барларда, сауналарда, уқалаш салонларида, шахсий уйларида ўз хизматларини мижозларнинг хоҳишига кўра барча турдаги жинсий хизматларни тақдим этиши талаб қилинади ва суткалаб эксплуатация қилинади. Олинган маълумотларга кўра, 62,8 фоиз фуқаролар жиноятнинг ушбу туридан хабардордир, сўровнинг ҳар бешинчи иштирокчиси ҳуқуқбузарликнинг ушбу тури ҳақида “у-бу нарса эшитганини” билдирди. Шуниси хавотирлики, 16,9 фоиз респондентлар ушбу муаммо тўғрисида, ноқонуний миграция жараёнида қулликка тушиб қолиш хавфи ва одамфурушлар фаолиятининг усуллари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас³.

Жабрланувчиларнинг бўйсинишини таъминлаш мақсадида шахсий ҳужжатларини олиб қўйиш; йўл ҳаражатлари учун қарз эканлиги ва уни ишлаб қутилиши лозимлигини уқтириш; бошқа инсонлар билан алоқа қилинишини мутлақо чеклаш, ёпиқ хонадонларда сақлаш, доимий назоратда ушлаш; маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаслиги учун, жавобгарликка тортилиши ва депортация қилиниши билан қўрқитиш; уларга ёки уларнинг яқинларига нисбатан жисмоний ёки бошқа турдаги зўровонликни қўллаш билан қўрқитиш қўлланилади.

Жиноят кодексининг 135-моддасида кўрсатилган жиноят формал таркибли жиноятларга тааллуқли бўлиб, ёлловчи билан жабрланувчи ўртасида оғзаки ёки ёзма шаклдаги битим тузилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Бунда айбдор шахс фақат “ёллаш” бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноятнинг кейинги босқичлари амалга оширилишига қараб айбдорларни ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш учун ва бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўйича жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги 2008 йил 17 апрель Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси билан боғлиқ 135-моддасининг янги таҳрири (ўзгартирилган ва айнан одам савдоси жиноятини квалификация қилиш учун мослаштирилган) асосида амалга оширилмоқда.

Юқоридагилар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги қарори билан “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация Маркази” ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб, мамлакатимизда одам савдоси жиноятларига қарши кураш бўйича эътиборли ишлар амалга ошириляётганлигини,

³ https://uza.uz/uz/posts/odam-savdosi-asosiy-tendenciya-va-muammolar_396265

уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш бўйича чора-тадбирлар амалда қўлланилаётганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Содир этилган жиноятни тўғри малакалашни таъминлаш– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Жиноятни малакалашда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, одил судловни амалга ошириш принциплари зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

References:

1. <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34452>
2. <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34452>
3. https://uza.uz/uz/posts/odam-savdosi-asosiy-tendenciya-va-muammolar_396265
4. <https://lex.uz/acts/111453>